

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси  
бошлигининг 2021 йил 12 февралдаги С-4-сон буйруғига  
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий  
бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги  
ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш  
РЕГЛАМЕНТИ**

**1- боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва коррупцияга қарши тадбирларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этишга Инспекция тизимида коррупцияга қарши курашишга масъул бўлинма (кейинги ўринларда – масъул бўлинма) масъул ҳисобланади.

3. Ҳисобот қуидаги турлардан иборат:

Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида умумий ҳисобот;

Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг коррупцияга қарши дастурлари, йўл хариталари ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича режали тадбирларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг ижроси хакида умумий ҳисобот (кейинги ўринларда - коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг ижроси ҳақида ҳисобот);

Инспекция тизимида коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш услуби билан тартибга солинадиган комплаенс-текширув натижаларига кўра тузиладиган коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида маълумотнома-ҳисобот.

4. Ҳисобот қуидаги даврлар бўйича тузилади:

чораклик;

йиллик;

заруратга кура.

5. Ҳисобот коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан қатъи назар, Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини қамраб олади.

6. Чораклик ҳисобот тайёрланади ва кўриб чиқиш учун Инспекция бошлиғига ва Ҳайъатига киритилади.

7. Йиллик ҳисобот тайёрланади ва кўриб чиқиш учун Инспекция бошлиғига ва Ҳайъатга киритилади, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш

бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг муҳим натижалари ҳақида алоҳида маълумотни жойлаштириш мақсадида номуайян шахсларга (жумладан, Инспекциянинг расмий веб-сайтида) тақдим этилади.

8. Ҳисобот заруратга кўра Инспекция раҳбарияти, давлат ҳокимияти органлари ва жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти вакиллари, халқаро ташкилотлар талабига биноан тайёрланади. Бунда ошкор қилинадиган маълумот ҳажми Инспекция бошлиғи, алоҳида ҳолларда унинг ўринbosарлари томонидан белгиланади.

9. IV чорак учун ҳисобот тузилмайди, унинг ўрнига Йиллик ҳисобот шакллантирилади.

## **2-боб. Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш тартиби**

10. Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги ҳисобот тўрт қисмдан: кириш ва баён қилиш, асосий хулосалар ва тавсия этилган чора-тадбирлардан иборат бўлади ҳамда мазкур Регламентининг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

11. Коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳар чоракда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 12 санасидан кечиктиրмасдан коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахсларга ва Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига Инспекция тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида идоравий ҳисобот тақдим этилиши зарурлиги ҳақида билдириш хати юборади. Идоравий ҳисобот мазкур Регламентининг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

12. Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахслар коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида тўлдирилган ҳисоботни Коррупцияга қарши курашиш бўлимига ҳар чоракда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15 санасидан кечиктирилмасдан тақдим этади.

13. Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахсларга коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги идоравий ҳисоботга киритилган маълумотни тасдиқловчи хужжатлар нусхаларини, ҳисобга олиш тизимидан ҳаволалар ва юклаб олинган (кўчирма)ларни илова қилиш йўли билан (имкони бўлганда) тасдиқлаш тавсия этилади.

14. Мазкур Регламент билан тасдиқланган Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги ҳисоботнинг намунавий шаклининг III бўлими Инспекциянинг ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахслар томонидан, умумлаштириш тартибида эса – Инспекциянинг Коррупцияга қарши

курашишга масъул бўлинмаси томонидан коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида ҳар йиллик ҳисобот 4 учун тўлдирилади. Ушбу бўлим Инспекция бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланган Инспекция тизимида Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубида назарда тутилган коррупциявий хавф-хатарларни навбатдаги тартибда ёки такроран баҳолашнинг тегишли чорагида коррупциявий хавф-хатарларни навбатдаги тартибда ёки такроран баҳолашда чораклик ҳисоботни тайёрлаш жараёнида тўлдирилиши мумкин.

15. Агар коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги ҳисоботнинг бирон-бир бўлими бўйича чора-тадбирлар ўтказилмаган бўлса, Инспекция ва унинг худудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахс чора-тадбирларни амалга оширилмаслиги сабабини кўрсатиши лозим.

16. Коррупцияга қарши курашиш бўлими коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги идоравий ҳисоботдаги маълумотни таҳлил қиласи ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги маълумотни мазкур Регламентнинг 1-иловасига мувофиқ тақдим этилган шакл бўйича тузилган умумий ҳисоботга бирлаштиради.

17. Инспекция ва унинг худудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги умумий ҳисоботни тайёрлаш муддати ҳисобот чорагининг охирги куни билан белгиланади.

18. Инспекция ва унинг худудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги умумий ҳисоботни тайёрлашда Коррупцияга қарши курашишга масъул бўлинма ходимлари тегишли бўйсунувчи идоравий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашишни мувофиқдаштирувчи шахсларидан, шу билан бирга, Инспекция ва унинг худудий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан зарур ҳужжатлар, изохлар ва статистик маълумотларни олишга ҳақлидирлар.

19. Коррупцияга қарши курашишга масъул бўлинма ходими Инспекция ва унинг худудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги умумий ҳисоботни коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг ижроси ҳақидаги умумий ҳисоботга бирлаштиради ва ҳисобот маълумотини умумлаштириб, статистик маълумотлардан юқори кўрсаткичларни ажратиб олади ва тўплаб, резюме тайёрлайди. Ҳар йиллик ҳисобот бўйича резюме ўтган йилги ўхшаш кўрсаткичлар билан қиёсий таҳлилни ўз ичига олиши лозим, шунингдек, Инспекция ва унинг худудий бўлинмалари кесимида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотни (бирлаштирилган маълумотдан ташқари) камраб олиши мумкин.

20. Ҳисобот резюме билан бирга кўриб чиқиш учун Инспекция бошлиғига ва Ҳайъатга, шунингдек, танишиб чиқиш учун тегишли Инспекциянинг худудий бўлинмалари раҳбарларига берилади.

### **3-боб. Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш тартиби**

21. Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг ижроси ҳақидаги ҳисобот коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини тезкор назорат қилиш ҳамда чора-тадбирларни уларни ижро этиш босқичида мураккабликларни аниқлаш мақсадида тузилади. Идоравий ҳисобот мазкур Регламентнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

22. Коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 12 санасидан кечиктирмасдан коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахсларга ва Инспекциянинг худудий бўлинмалари раҳбарларига инспекцияда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида идоравий ҳисобот тақдим этилиши зарурлиги ҳақида билдириш хати юборади. Ушбу билдириш хати мазкур Регламентнинг 11-бандида кўрсатилган жараён доирасида юборилишига йўл қўйилади.

23. Инспекция ва унинг худудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахслар коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурда, йўл харитасида ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича режада кўрсатилган масъул шахслардан коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг ижроси ҳақидаги маълумотни олиб умумлаштириши ва уни Инспекция тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимига ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 санасидан кечиктирмасдан тақдим этиши лозим.

24. Йўл харитаси доирасида чора-тадбирлар белгиланган муддатларда бажарилмаганда масъул шахс ушбу фактни кўрсатиши керак.

25. Коррупцияга қарши курашиш бўлими коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги идоравий ҳисоботдаги маълумотни таҳлил қиласи ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги маълумотни мазкур Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ тақдим этилган шакл бўйича тузилган умумий ҳисоботга бирлаштиради.

26. Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг ижроси ҳақидаги умумий ҳисоботни тайёрлаш муддати ҳисобот чорагининг охирги куни билан белгиланади.

27. Инспекция ва унинг худудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ижроси ҳақидаги умумий ҳисоботни тайёрлашда Коррупцияга қарши курашишга масъул бўлинма ходимлари тегишли бўйсунувчи идоравий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахсларидан, шу билан бирга, Инспекциянинг худудий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан зарур хужжатлар, изохлар ва статистик маълумотлар олишга ҳақлидирлар.

28. Коррупцияга қарши курашишга масъул бўлинма коррупцияга қарши

курашиш чора-тадбирлар ижроси ҳақидаги умумий ҳисоботни тайёрлашда бажарилмаган ёки ўз муддатида бажарилмаётган чора-тадбирларни алохидা белгилаб олиши ва чора-тадбирлар муддатини ўзгартириш (узайтириш) ёки унинг мазмунини тузатиш бўйича таклифлар тайёрлаши керак.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

29. Конун хужжатларига ёки Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ички хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганида мазкур Регламент Инспекция бошлигининг буйруғига асосан қайта кўриб чиқилиши ва янгиланиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги  
 Агросаноат мажмуюндан назорат қилиш инспекциясида коррупцияга  
 қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақидаги ҳисоботнинг  
 НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

*Кириши қисми: ҳисобот тузилаётган Инспекциянинг номи, ҳисоботни тузган ходим, Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларида мувофиқлаштирувчи шахс, ҳисобот даври, ҳисоботни тузши санаси, коррупцияга қарши курашиши бўйича кўрилаётган асосий чоралар, эришилган ютуқлар кўрсатилади.*

Т/р	Чора-тадбир	Натижалар
<b>I. Сиёsat ва тартиб-таомиллар</b>		
1.	Инспекциянинг хужжатларини бўлинмалар мувофиқлаштирилиши.	ички худудий томонидан ўз ичига олган хужжатларни (сиёsatлар, низомлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва х.к.) ёки ҳисобот даврида худудий идораларда коррупцияга қарши курашиши бўйича синалган тартиб-таомилларни кўрсатиш зарур.
2.	Фаолиятнинг хавф-хатарли функциялари/йўналишлари ва (ёки) коррупцияга қарши курашиш масалаларини тартибга солувчи ички хужжатлар кесимида коррупцияга қарши янги тартиб-таомиллар ва коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	Худудий бўлинмаларда ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш соҳаларини тартибга соладиган хужжатларни (сиёsatлар, низомлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва х.к.) кўрсатиш зарур.
3.	Инспекцияда манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатлар ва кўрилган чоралар.	Инспекция тизимида манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатлар миқдорини кўрсатиш ва манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатлар реестрини илова қилиш зарур.
4.	Ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашувини ҳар йили декларация қилиш.	Манфаатлар тўқнашувини ҳар йили декларация қилиш тартиб-таомилидан ўтган ходимларни Инспекция ходимларининг умумий сонидан фоиз кўринишидаги нисбатини кўрсатиш зарур.
<b>II. Юқоридан қўйига муносабат</b>		
5.	Коллегиал органлар мажлисларида ёки ички	5-6-бандларда Инспекция раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бўлим/бошқармалар

	тадбирларда Инспекция раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бошқармалар/бўлим бошлиқларининг коррупцияга қарши курашиш масалаларида чиқишлари ва коррупцияга қарпиш курашиш масалаларида ички коммуникацияни (Инспекция раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бўлим/бошқармалар бошлиқлари номидан) тарқатиш	бошлиқларининг қонунчилик талаблари, коррупцияга нисбатан муросасизлик, Инспекцияда белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларга риоя қилинишининг муҳимлиги ҳақидаги позицияси/фикри очик ифодаланган тадбирлар кўрсатилиши зарур.
6.	Адлия органи раҳбари, унинг уринбосарлари ва бўлим/боцщармалар бошлиқдарининг коррупцияга қарши курашиш масалаларида ОАВ/очик манбалардаги нашрлари, маколалари, чиқишлари, интервьюлари ёки бирон-бир тарзда билдирилган фикри.	
7.	Инспекция бошлиғи, унинг ўринбосарлари ва бўлим/бошқармалар бошлиқларининг коррупцияга қарши курашиш тамойилларини кўллаб-куватлаши ва уларга содиқлигидан гувохлик берувчи бошка чора- тадбирлар.	Масалан, коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларда иштирок этиш (хозир бўлиш).

### III. Хавф-хатарларни баҳолаш

8.	Инспекцияда коррупциявий хавф-хатарлар ҳар йили баҳолангандиги.	Мазкур бандларда янги хавф-хатарлар қайси жараёнларда аниқланганлиги ва уларнинг даражаси санаб ўтилади. Кандай хавф-хатарлар қайта баҳолангандиги, янги даража, баҳолашни ўзгартириш сабаблари ва камайтириш бўйича таклифлар.
9.	Хисобот даврида Инспекцияда баҳолаш жараёнида янги аниқланган коррупциявий хавф- хатарлар	Коррупциявий хаф-хатарларнинг идоравий/умумий харитасини илова қилиш.
10.	Хисобот даврида аниқланган хавф- хатарларни бошқариш бўйича таклиф қилинган ва бажарилган чора-тадбирлар.	

11.	Коррупциявий хавф-хатарларнинг аниқланган сони, ўрта ва ундан кам даражада камайтирилган көлдик хавф-хатар.	Ўрта ва ундан кам даражада камайтирилган хавф-хатарлар, көлдик хавф-хатарни коррупциявий хавф-хатарнинг умумий сонига фоиз кўринишидаги нисбатини кўрсатиш зарур.
<b>IV. Ўқитиш ва мулоқот</b>		
12.	Коррупцияга қарши курашиш масалаларида: барча ходимларга; раҳбариятга; коррупциявий хавф-хатарга кўпроқ мойил бўлган алоҳида бўлинмаларга тренинглар ўtkазиш.	Тренинглар кўринишилари ва шаклини, ўқитилган ходимлар сонини, уларнинг лавозимлари даражаси ва бўлинмаларини кўрсатиш зарур. Тренинг тавсифини: умумий мазмуни ёки муайян бўлинмалар жараёнларига мўлжалланганлигини кўрсатиш лозим.
13.	Инспекцияга яқинда ишга қабул килинган ходимларга тренинглар ўtkазиш.	Коррупцияга қарши курашиш масалаларида кириш (умумий, танишув) тренинглари ўтилган янги ходимларга ходимлар умумий сонидан фоиз кўринишидаги нисбатини кўрсатиш зарур.
14.	Коррупцияга қарши конунчилик талаблари ва коррупцияга қарши амалга оширилаётган дастурлар ҳақида ходимлар хабардорлигини ошириш бўйича бошқа чора-тадбирлар.	Катнашчиларнинг мақсадли гурухи, уларнинг сони (агар имкони бўлса), чора-тадбир мавзуси ва тури, унинг натижаларини кўрсатиш (масалан, танловлар, викториналар, сўровлар ва бошқалар кўрсатилади).
15.	Коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш нормаларига риоя қилиш мавзуси бўйича ахборотларни тарқатиш.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича талаблар ва тартиб-таомилларга риоя қилиш зарурлиги, шу жумладан, уларни талқин қилиш ва риоя қилиш тўғрилиги ҳақида билдиришномалар ва бошқа тарқатма ахборотлар.
16.	Ишга масъулиятли бўлиш маданиятини шакллантириш, ходимларга коррупцияга қарши курашиш тизими ва коррупцияга қарши конунчилик талабларини етказишнинг бошқа усуллари.	Масалан, хоналарда ахборот плакатлари ва бошқа материаллар, скринсейверлар, компьютерлар экранида тасвиirlар ва х.к.
17.	Фуқаролик жамияти ва Инспекциянинг контрагентлари учун коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш.	Фуқаролик жамияти вакиллари учун амалга оширилган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг сони, номи, моҳияти ва натижаларини кўрсатиш (масалан, коррупцияга қарши курашиш куни, коррупцияга қарши мавзуларда танловлар ўtkазиш, очиқ тинглашлар ва мажлислар). Янги контрагентларнинг умумий сонидан шартномаларига коррупцияга қарши шартлар киритилган янги контрагентларни фоиз кўринишидаги нисбатини кўрсатиш.

## V. Коррупцияга оид ҳаракатлар ва хуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш

18.	Хисобот даврида алоқа каналларига коррупцияга оид, жумладан, потенциал хуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушган хабарлар сони.	Хабарлар сонини қуйидаги маълумотлар билан бирга кўрсатиши: (i) келиб тушган санаси, (ii) келиб тушган канали, (iii) хабар мавзуси/тегишли ҳисоботни илова қилиш.
19.	Хизмат текшируви; қўлланиладиган қонунчилик ёки белгиланган назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилишлари аниқланган, ўз тасдигини топган; айбдор шахслар аниқланган холатлар сони.	Ҳар бир банд кесимида ҳолатлар сонини кўрсатиши.
20.	Аниқланган ва ўз тасдигини топган қоидабузарликлар тавсифи.	Аниқланган қоидабузарликлар тавсифини кўрсатиши: (қайси) қонунбузилиши, белгиланган (қайси) ички назорат ва тартиб-таомилнинг бузилиши.
21.	Кўрилган таъсир чоралари.	Канча ҳолатда ва қандай тузатиш чоралари, жумладан, интизомий жазо чоралари қўлланилганлигини кўрсатиши. Ички назорат тизимида қандай сусткашликлар аниқланган ва назоратни кучайтириш бўйича қандай таклифлар берилган.

## VI. Мониторинг ва таҳлил

22.	Хисобот даврида амалдаги коррупцияга қарши талаблар, назоратлар ва тартиб-таомиллар ижроси текширилганми.	Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган бўлинма томонидан ўтказиладиган текширувга оид тадбирлар.  Қаерда (бошқарма, бўлим), текширувга оид қандай тадбирлар (аудит, хавф-хатарли трансакциялар ёки тартиб-таомиллар, “сирли мижоз” ва х.к.) ўтказилганлигини кўрсатиши.
23.	Ташкилотда ўрнатилган назорат ва тартиб- таомилларнинг аниқланганми.	Қайси жараёнларда қандай қоидабузарликлар аниқланганлигини кўрсатиши. Аниқланган ҳолатлар сонини кўрсатиши.
24.	Қандай таъсир чоралари кўлланган.	Функциялар/жараёнлар эгаларига қандай тавсиялар тайёрланган. Улар қандай расмийлаштирилган (масалан, бўйруқ, янги ички идоравий хужжат).

*Асосий хуносалар: Инспекция тизими идораларида коррупцияга қарши амалга оширилган  
чора-тадбирларнинг асосий натижалари, коррупцияга қарши курашии тизимининг  
ҳолатига берилган умумий баҳо ўтган давр кўрсаткичларининг ўзаро нисбати, қониқарли  
натижаларга эришиши/эришилсанлик сабаблари кўрсатилади.*

*Тузатувчи чора-тадбирлар режаси: кейинги хисобот даврида ҳисоботнинг алоҳида  
унсурларини кўрсаткичларини яхшилаши имконини берувчи асосий чора-тадбирлар  
кўрсатилади.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги  
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясида  
коррупцияга қарши курашиш  
тизимининг ҳолати ҳакидаги ҳисоботни  
шакллантириш ва тақдим этиш  
регламентига  
2-ИЛОВА

(хужжат номини кўрсатиш керак(коррупцияга қарши курашиш дастури/йўл харитаси,  
коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари режаси)да назарда тутилган  
**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИЖРОСИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ**

Инспекция худудий бўлинмаси		(Инспекция худудий бўлинмаси ёки “Умумий: ҳисобот”ни кўрсатиш керак)					
T/р	Чора-тадбир номи	Ижро муддати	Амалга ошириш механизми	Масъул ижрочилар	Ижроси ҳақида белги	Агар бажарилмаган бўлса, кутилаётган бажаришининг муддати	Бажарилганлигини тасдиқлаш/бажарилмаслик сабаблари
<b>1. Чора-тадбирлар йўналиши номи</b>							
1.							
2.							